

Раҳмли бўлиш шифо топишнинг энг осон йўлидир (биринчи мақола)



17:00 / 04.12.2020 1763

Вақти-вақти билан ғарб олимлари тажрибалардан сўнг хулоса ва натижаларни эълон қилмоқдалар. Кейин улар одамларга ўша натижаларни ҳаётга татбиқ этиш зарурлигини таъкидлаб, уларга амал қилиш инсонларнинг бахтиёр яшашига сабаб бўлишини айтадилар. Қизиғи шундаки, биз улар қўлга киритган фойдали кашфиётни кўздан кечирсак, Ислом дини ўн тўрт аср олдин ўша масала хусусида сўз юритганини кўрамиз.

Бугунги кунда ғарблик олимларнинг ғарбда ҳаддан ташқари моддийликка берилиш оқибатида меҳр, раҳм-шафқат, муҳаббат туйғулари, тушунчалари унутилаёзгандан сўнгги тадқиқотларида инсоннинг бахтли бўлишида раҳм-шафқатнинг аҳамияти катта эканини, раҳмдилликни болалиқдан

«Мўмин бўла олмайди» дейилгани комил мўмин бўла олмайди дейилганидир. Субҳаналлоҳ!

Бугун ғарбликлар англаб етган, аммо ҳаётга татбиқ этолмаётган ҳақиқат биз мусулмонларнинг ўн тўрт асрдан бери амал қилиб келаётган ва иймонимиз комил бўлишига сабаб бўладиган ишлардандир. Ушбу набавий қоидага биз кўпроқ амал қилишимиз лозим эмасми?!

Раҳмдиллик миянинг ишлаш тизимини фаоллаштиради

Мазкур татқиқотга эътибор қаратган олимлар одамларга раҳм-шафқатли бўлиш мияга фойдали бўлиб, унинг ҳужайраларини фаоллаштиради, ҳужайралар сонига ўзгариш юз беришига сабаб бўлади. Бошқаларга қандай раҳм-шафқат кўрсатишнинг ўзиёқ бир неча касалликлардан тузалишга сабаб бўлишини айтмоқдалар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга одамларга раҳмли бўлишимизни буюрганлар.

Абу Саъиддан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Раҳм қилмаганга раҳм қилинмайди», дедилар».

عَنْ عَلِيٍّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَرْحَمُ اللَّهُ مَنْ لَا يَرْحَمُ النَّاسَ وَلَا يَرْحَمُ النَّاسَ مَنْ لَا يَرْحَمُ اللَّهَ وَلَا يَرْحَمُ النَّاسَ مَنْ لَا يَرْحَمُ اللَّهَ وَلَا يَرْحَمُ النَّاسَ

Жарийр ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Раҳм қилмаган раҳм қилинмайди», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Бошқаларга раҳм қилганингиз, уларни кечирганингиз сари Аллоҳ таоло сизга раҳм қилади, касалликларингизни аритади, Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган ёмонликлардан асрайди.

Раҳмли бўлиш ижтимоий алоқаларнинг мустаҳкамланишига ва ўша инсоннинг бошқалар билан уйғунлашиб, улфат бўлиб яшашига сабаб бўлади

Кейинги ўтказилган тадқиқот раҳм-шафқатли бўлиш инсондаги иммун тизимининг мустаҳкамланишига сабаб бўлишини таъкидламоқда. Олимлар раҳмли инсоннинг иммунитетни касалликларга қарши курашувчанроқ бўлишини аниқладилар. Бир неча инсонлар устида ўтказилган тажрибалар орқали шу нарса маълум бўлдики, раҳмли, бошқаларга яхшилик истовчи кишининг раҳмли бўлмаганларга нисбатан касалликларга чалиниши камроқ бўлар экан.

Олимлар ўзини бахтлироқ ҳис қиладиган киши бошқаларга раҳмлироқ бўлганидир деяптилар. Шунингдек, ундай инсон касалликлардан узоқроқ, хусусан, юрак билан боғлиқ беморликлардан узоқроқ бўлишини айтди. Чунки кўрсатилаётган раҳм-шафқат ундай кишини бошқалар билан, жамият билан яқинлашишига, улар билан улфат бўлишига, бу эса юрак ишининг бир маромга тушишига сабаб бўлишини билдириптилар.

Бу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам биз умматларига буюрган амал эмасми?!

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَرْثَدَةَ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «رَأَيْتُمْ كَيْفَ يَخْرُجُ الْوَيْلِيُّ إِذَا دُعِيَ إِلَى مَجْلِسٍ؟»

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Раҳм қилувчиларни Роҳман раҳм қилади. Ер аҳлига раҳм қилинг, осмондаги Зот сизга раҳм қилади», дедилар».

Имом Термизий ривояти, саҳиҳ.

(Давоми бор)

Абдуддоим Каҳел мақоласи асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади